O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
3 11 299
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 23 декабр пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 252 (2290)

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 22 декабр куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Рустам Холмуродов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими масъул котиби Сайимназар Каримов учрашув қатнашчиларини Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сўзида мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, халқимиз орзуларининг ушалиши, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги яратувчилик, бунёдкорлик ишлари Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида кейинги йилларда вилоятда кўптармоқли саноат ривожи билан бирга, қишлоқ хўжалиги барқарор суръатларда ўсаётганини алоҳида таъкидлади. Вилоят деҳқонлари пахта ва ғалла тайёрлаш шартнома режаларини сўнгги икки йил давомида биринчилар қаторида бажариб келаётганининг ўзи бунинг яққол тасдиғи ва ифодасидир.

Кейинги йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалигида янги тармоқ ҳисобланган корхоналар барпо этилаётгани хусусида гапирар экан, Ислом Каримов туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "СамКочавто" қўшма корхонаси фаолиятига тўхталди.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Буюк аждодларимиз шавкатининг боқий тимсоли бўлган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида амалга оширилган ишларга тўхталиб, Ислом Каримов бу эзгу ишлар ҳали келажак авлодлар томонидан эсланиши, ўзининг муносиб баҳосини олишига ишонч билдирди. Соҳибқирон Амир Темурнинг мақбараси таниб бўлмас даражада ўзгаргани, муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани халқимизнинг, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифаларни адо этиш учун, аввало, одамларни уюштириш ва сафарбар этиш юзасидан катта ишларни амалга ошириш лозим. Айни пайтда кўзлаган бу мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун, аввало, маблағ, сармоя топишимиз зарур. Даромаднинг манбаи эса, меҳнатни юксак унум ва самара берадиган тарзда ташкил этиш, замонавий ислоҳотларни кенг миқёсда амалга оширишдан иборат.

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Энг қувончлиси шундаки, биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз.

Ислом Каримов янги юз йиллик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда сўзга чиққан Сиёб туманидаги Ислом Каримов таҳсил олган 21-ўрта мактабнинг собиқ директори, 87 ёшли меҳнат фахрийси Ҳалим Абдураҳмонов, Пахтачи туманидаги Р.Маҳманов номли хўжалик ғаллачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев, Челак туманидаги Имом ал-Бухорий масжид-мадраса имом-хатиби Усмонхон Алимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Хосият Бобомуродова, халқ артисти Таъноберди Қурбонов Ислом Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини таъкидлаб, 2000 йил 9 январда сайловчиларни унинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

**Мусулмон НАМОЗОВ,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ НАВОИЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссиясининг раиси Б.Рўзиев бошқарди.

Президентликка номзод А.Жалоловнинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси Навоий вилоят Кенгашининг биринчи котиби Р.Ботиров сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод А.Жалолов ўзининг сайловолди дастурини баён этар экан, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда демократияни, кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизимини изчил қарор топтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, порахўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби салбий иллатларнинг пайини қирқиш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг амалий ҳиссасини қўшиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Учрашувда сўзга чиққан Хатирчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими Ш.Султонова, ХДП Навбаҳор туман Кенгаши биринчи котиби А.Пирматов, Навоий давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бўлим бошлиғи И.Загоскин, Навоий қурилиш бошқармаси ишчиси Қ.Ғуломов сайловчиларни 2000 йилнинг 9 январ куни бўладиган Президент сайловида мустақил давлатимизнинг озод ва обод келажаги учун сидқидилдан меҳнат қиладиган муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ҲОСИЛГА ЗАМИН ЯРАТИЛАЯПТИ



*Тошкент вилояти Пискент туманидаги Ҳаким полвон Қодиров номли жамоа хўжалиги деҳқонлари жорий йилни муваффақиятли якунлашди. Бунда Турсунали Сатторов бошлиқ бригада аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар мавжуд 116 гектар тошлоқ ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, 290 тонналик хирмон уйдилар.*

*Айни кунларда бригада далаларида келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирланяпти. Ер аллақачон шудгорлаб қўйилган. Ариқ-зовурларни тартибга келтириш, маҳаллий ўғит жамғариш юмушлари эса жадал олиб борилаётир.*

**СУРАТДА: (ўнгдан) бригада бошлиғи Турсунали Сатторов, агроном Абдулла Ашуров ва пудратчи Абдурасул Ҳайдаров навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

## ФАХРИЙЛАР ҲОҲИШ-ИРОДАСИ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Уни кенгаш раиси Э.Боқибоев бошқарди.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда фахрийлар доимо ҳурмат-эътиборда экани, Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлганини таъкидладилар. Ёшларга ўз ҳаётий тажрибаси ва меҳнати билан ибрат бўлаётган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган нуронийларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини қайд этдилар. Бугунги кунда она юртимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари, Ватан тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз бахт-саодати Йўлбошчимиз номи билан бевосита боғлиқ эканини таъкидлаб, барча фахрийларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Президенти сайловида Ислом Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

**(ЎзА)**

***Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти томонидан тайёрланган "Хотин-қизлар энциклопедияси"нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

## ТАҚДИМОТ

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова тадбирни очар экан, янги нашрнинг чоп этилиши мустақиллигимиз тарихида ёрқин из қолдирадиган Аёллар йили муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида кўзда тутилганини таъкидлаб, мазкур энциклопедия бугунги кунда ҳар бир оила учун ўзига хос зарур қўлланма бўлишини қайд этди. Зеро, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларимиз иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, айниқса, халқ таълимини такомиллаштиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда тобора фаол иштирок этмоқда.

Энциклопедия "Балоғат пиллапоялари", "Оила", "Тўй маросимлари, одатлари", "Уй-рўзғор ва ҳордиқ" каби тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси каби мавзулардаги кўплаб материалларни ўз ичига олган.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Ўзбекистон миллий энциклопедияси директори Н.Тўхлиев, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз тарихида илк бор нашр этилган мазкур энциклопедиядаги мақолалар турмуш маданиятини юксалтириш, оилани мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

**Янги йил тараддуди**

## БОЛАЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ БАЙРАМИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Янги йил арча байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу хайрия тадбирига Тошкентдаги меҳрибонлик уйларининг иқтидорли тарбияланувчилари таклиф этилади.***

**Болаларга олам-олам қувонч бағишлайдиган байрамни Бадиий академия Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда ташкил этмоқда. Тадбир ҳомийларидан бири — "Совпластитал" қўшма корхонаси эса ўйинчоқ ва безаклари билан бирга улкан арча совға қилди.**

**Байрам иштирокчилари дастлаб бу ерда намойиш этилаётган "Табиат ва рассом" кўргазмаси билан танишади. Таниқли мўйқалам усталари билан мулоқотда бўлади. Сўнгра тантаналар зал ўртасида савлат тўкиб турган яшил арча атрофига кўчади. Ташкилотчилар тадбирга атаб махсус томоша дастури тайёрлаган. Унда анъанавий Қорбобо ва Қорқиздан ташқари "Қалам", "Бўёқ" каби персонажлар ҳам иштирок этади. Арча байрами давомида расм чизиш бўйича "экспресс" танлов ўтказилади. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланади. Табиийки, байрамни куй ва қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Арча атрофида бўладиган концертда меҳрибонлик уйларининг ёш санъаткорлари қатнашади.**

**(ЎзА)**

## ИНСОН — АЗИЗ ВА МУКАРРАМ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан сўнг ратификация этилган биринчи халқаро ҳужжат «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсонни улуғлаш, унинг эркинлигини кафолатлаш, орзу-умидлари тўла рўёбга чиқишини таъминлашни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаган мустақил давлатимизнинг етакчи тамойилларини ана шу халқаро ҳужжатга мувофиқлаштириш назарда тутилган эди. Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилишда ушбу умуминсоний қадрият асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам Конституциямиз халқаро ҳамжамият томонидан инсонпарварлик ва демократик мезонларга тўла жавоб берадиган ҳужжат сифатида эътироф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциянинг етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Асосий Қонунимизнинг инсонпарварлик моҳияти ҳақида шундай деган эди: «Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало, унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, Асосий Қомусимиз инсон манфаатининг давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани ҳақида гапиришимиз керак».

Дунё давлатчилигида мутлақо янгилик бўлган «Инсон манфаатининг давлат манфаатидан устун туриши» тамойилининг ижодкори Ислом Каримов бўлди. Юртбошимиз мазкур тамойилни Асосий Қонунимизнинг бутун моҳиятига сингдириб юбориш учун катта куч ва ғайрат сарфлади. Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ушбу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун изчил, самарали фаолият кўрсатди.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, қонун олдида барчанинг баробарлиги, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон учун хизмат қилиши каби сиёсати Президентимиз асарлари, нутқ ва маърузалари, фармонларининг бош ғоясини ташкил этади.

Шулардан биттаси — амнистия тўғрисидаги фармонларга бир назар ташлайлик.

Маълумки, «Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида» Президент Фармони 1992 йил 6 апрелда эълон қилинган эди. Шундан бери гоҳ Мустақиллик байрами, гоҳ Конституция қабул қилинган кун ёки иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган кун муносабати билан ҳар йили амнистия тўғрисида Президент фармонлари эълон қилинади.

Ҳаёт — жуда мураккаб жараён. Кимдир билиб, кимдир билмасдан жиноятга қўл уради ва қонун чизиғини босиб ўтади. Жазонинг муқаррарлиги тамойилига асосан ўша шахс судланиб, қилмишига яраша жазога тортилади. Маҳкумларга, айрим адашган ва хато қилган кишиларга нисбатан кечиримли бўлиш, бағрикенглик қилиш, биринчидан, давлатимиз қонунларининг инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқаради, иккинчидан, ўша инсонларни жамиятга, оиласи ва фарзандлари даврасига қайтиб тўғри ҳаёт йўлига тушиб олишларига кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

**Қарор ва ижро**

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳукуматимиз миллий қадриятларимизни тиклашга, халқимиз маънавиятини юксалтиришга катта эътибор берди. Буюк алломаларимиз номларини тиклаб, меросларини ўрганиш ишлари бошланди.***

## ОЛТИН АСРНИНГ ОЛМОС ДОНАСИ

Ўтган муддат давомида нафақат аждодларимизнинг хотираси қайта тикланди, балки халқимизнинг ғурури, бой маданий ва маънавий мероси ҳам қадр топди. Қаддимизни, қадримизни кўтардик. Улуғ саркарда Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби боболаримиз юбилейларининг нишонланиши жаҳонга қайси юртданлигимизни, кимнинг ворислари эканимизни эслатиб қўйди. Барча ишлар собитқадамлик билан, узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилди. 1997 йилда Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолиддин Беҳзод номи берилди. Беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

1997 йилнинг 23 декабрида эса буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарордан сўнг Камолиддин Беҳзоднинг бой меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Улуғ рассом ва унинг издошлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросига оид ашёларни тўплаш учун илмий экспедиция ташкил этилди.

1998 йилда Камолиддин Беҳзод таваллудига бағишланган 1-республика рассом талабалар кўргазмаси танлови ўтказилди.

«Камолиддин Беҳзод ижодининг жаҳон тасвирий санъатига таъсири» мавзуида Халқаро илмий-ижодий конференция ташкил қилинди. Айни пайтда Камолиддин Беҳзод меъморий боғини барпо этиш ишлари бошланди. Худди ана шу жойда Беҳзод музейи қад ростлайди.

Камолиддин Беҳзод даҳосига, ижодига мурожаат этишимиз, юбилейини ўтказишга тайёргарлик кўраётганимиз бежиз эмас. Шарқ миниатюра мактаблари орасида етакчи ва бетакрор мактаб яратган буюк рассом ижоди ва ҳаётий фаолиятини ўрганиш бугунги кунда ўзлигини қайта тиклаётган халқимиз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

XIV-XV асрлар ўзбек халқи тарихининг олтин саҳифаларидан бири бўлган Амир Темур салтанатидан сўнг, айнан улкан давлат барпо бўлгандан бошланган Уйғониш даври жаҳонга Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Али Қушчи, Камолиддин Беҳзод каби сиймоларни берди. XV аср тарихимизнинг олтин саҳифаси бўлса, Камолиддин Беҳзод ўша давр шодасидаги олмос донадир. Мустақиллик ана шу ноёб талант соҳибини халқимизга қайтариб берди.

Камолиддин Беҳзод рамзий эмблемаси учун ўтказилган танловда мамлакатимизнинг барча рассомлари, ҳаваскор ижодкорлар ва ҳатто оддий кишилар, уй бекалари ҳам иштирок этдилар. Бу ҳол Ватанимизда Камолиддин Беҳзоднинг ворислари кўп эканлигидан далолатдир.

Ҳар икки хонадоннинг бирида Камолиддин, Беҳзод исмли ўғлонлар улғаймоқда.

XX асрнинг охирида юртимизда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги нишонланади. Демак, халқимиз XXI асрга юзи ёруғ, бағри тўлиқ ҳолатда кириб боради. Ўша кунларни кўриш барчамизга насиб этсин.

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОРИЯТ

**XXI аср сари**

Ҳайкал — санъат асари. Гўзаллигу нафосатнинг тошдаги, металл ва ганчдаги жилваси.

Коммунистик ғоя жамики санъат усталари қатори ҳайкални ҳам сиёсатга айлантирди. Ҳайкал нима бўпти, ҳатто болаларнинг ўйинчоғу қўғирчоқлари сиёсатлашмабмиди: нишонларда Володянинг тасвири, китоб жавонларида Лениннинг муштдеккина бюстлари, ҳатто кулдонлар-у, патнисларда доҳийларнинг сурати.

Ёмон экан бу ҳайкаллар-у, бу мурдалар. Кўзингиздан томир отиб, миянгиздан ўсиб чиқар экан. Сўнг, мени энди қўпориб, ё кўчириб ташлай олмайсан. Қўпорсанг, мия-пиянг билан қўшиб қўпориламан. Шўрингга шўрва тўкаман, деб тургандай, қўрқитгандай бўлар экан.

Ўшанда Термиз шаҳридаги бир гуруҳ мактаб болалари (юқори синф ўқувчилари), бир ҳазиллашайлик-чи, шу чўққи соқол бобомиз нима деркин, деб ҳайкалнинг тос тепасига яшил бўёқ суркайдилар. Қарасаларки, ҳайкалда ўзлари тасаввур қилган сеҳр йўқ. На гапиради, на кўзига сизиб тушган буёқни қўли билан артиб олади.

Болаларнинг бу иши асли шунчаки тасодиф ёки ҳазил эмас эди. Бу иш миллатнинг мутеликка исёни — эркка, мустақилликка интилиш замиридаги туйғу ифодаси эди. Шерободлик бир кулол нос тупурадиган идишга Сталиннинг, Будённийнинг аксини тушириб тайёрлади. Қумқўрғонда доҳийлар ҳайкалларининг қўлларини синдириб кетишди. Коммунистик амалдорлар бу ишларнинг олдини олишга шошилдилар...

Хайриятки, ғишт қолипдан кўчган эди. Мустақиллик бир сонияда, ёки бир қарор билан юзага келгани йўқ. Айни пайтда тобелик, мутелик, одамни одамга сиғинтириш ғояси ҳам бир сонияда йўқолди, кули кўкка соврилди десак, шошилиб гапирган бўламиз. Бу ҳукмимизга яна ўша ҳайкалларга муносабат асос.

Бир мисол. Шўрчи туманида Ф. Энгелс номли колхоз бўлгувчи эди. Катта йўлнинг шу колхозга қарашли арчазори ичида сўлақмондай-сўлақмондай ҳайкаллар гўё болалаб кетганди. Бири эчки соқол, бири мўйловдор, яна бири Сталинча шапка кийган... 8-10 тача бу сиёсий мажмуа, ишонсангиз 1995 йилга қадар, биз бормиз, деб тураверди. Бирон гап қўзғолганда, э, кимга оғири тушаяпти буларнинг, дейдиганлар ҳам топилди.

«Энгелс», «Тошмамат Бердиев» деганлари жамоа хўжалиги деган атамаларга жойини бўшатиб берди. Раис алмашди. Мелимамат Саидов деган 70 дан ошган чол раис бўлди. Саидов йўлдан шундоғ ўтаётиб, мактаб болаларининг рогаткада ҳайкалларга қаратиб тош отаётганини кўриб қолди. Бир кулгиси қистади, бир ғазаби. Мактаб болалари асли катталарнинг эътиборсизлиги-ю, беқунтлигига ва эҳтимолки, қўрқоқлигига тош отаётган бўлиб кўринди. Саидовнинг ўзидан ғазабланганининг боиси ҳам шу эди.

Ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, кекса раис ўша ондан кран билан машинанинг изига тушди. Бошида туриб ҳайкалларни қўпортирди. Чуқур қилиб кўмиб ташлангларки, улар ҳеч қачон тирилиб келмайдиган бўлсин деди. Қишлоқнинг мулласи, деб танилганлардан биттаси келиб, раиснинг қулоғига, жанозасини ўқиб кўмиш керак, деб ақл ўргатса бўладими. Саидов шунда баттар ғазабланди. Тошбўрон қилинганларга жаноза буюрмайди, деди.

Шундай. Саидовни кимдир «ёзувчи», аризачи дейди. Кимдир унинг бригадиру бўлим бошлиғи бўлиб, эллик центнердан пахта олганини мақтаса, кимдир раислигидаги хатоларини санай кетади. Лекин мухолифу дўстлар — ҳамма унинг ўнта «доҳий»ни бир кунда қаро ерга тикканидан қойил қолганларини яширмайдилар.

Мустақиллик — янги йўл дегани. Йўлни забт этиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Шу нарсани рўкач қилибми, бузоқнинг югургани сомонхонагача, дегувчилар чиқиб қолди. Хонликлару бекликларга бўлиниб, ярми кўчманчи-ю, ярми ўтроқ бўлиб яшаган, бировнинг боши билан ўйлашга кўниккан эл мўлжалдан адашиб, аросатда қолар деган кароматчилар пана-пастқамдан тошлар отишди.

Шундай гапларни эшитаверсам, юракларим зирқираб кетаверди. Ҳаловатимдан адашавердим, — дейди Муҳаммадсалим Жўрабек ўғли деган қондошимиз.

Муҳаммадсалим афанди Шеробод қишлоғида туғилган. Қизиллар тўполонидан қўрқиб, йигирманчи йилларда ота-оналари афғон тупроғига қочган. Афғонистондан Туркияга ва кейинчалик океан ортига бориб қўним топганлар. У киши ҳозир Америка фуқароси.

Ҳаловат-у, таскин излаб у Тошкентга келди. Атайин «Ўзбекистон» меҳмонхонасига қўнди. Сўраб-суриштириб пойтахтнинг бош майдонини топди. Қарасаки, ўзбекнинг мустақиллигига шубҳа билдираётганларнинг гаплари тўғридай. Ахир, турибди-да, Лениннинг ҳайкали ҳамон қаққайиб. Энди нима, уйига қайтсинми. Ленин бор экан. Демак, гумондорларнинг гаплари тўғри экан, десинми.

Йўқ! Ҳайкални оладилар. Барибир оладилар. Буни у ўз кўзи билан кўрмагунча Тошкентдан жилмайди. Ахир у океан ортига хушхабар билан, ёруғ юз билан бормоғи лозим.

— Эрталаб қарайман, ҳайкал турибди. Қўли олдинга чўзилган. Ияги осмонда. Кечқурун қарайман. У яна шу аҳволда турибди, — дейди Муҳаммадсалим афанди. — Дардлашай дейман, таниш-билиш йўқ. Сайр қилай дейман, шаҳар нотаниш. Ана, саксон учинчи куни борсамки, ҳайкалнинг бошини кесибдилар. Отдим дўппимни осмонга. Ҳайкални мен енгдим. Кестирдим, деган мазмун ила уйдагиларга телегром қилдим...

Муҳаммадсалим оға ҳисоб-китобу фойда-зарарни хўп чўтга ташлайдиган одам. Лекин меҳмонхона ҳақига кунига 108 доллар тўлаб қарийб уч ой яшаш унга малол келмади. Чунки ўртада ор бор эди. Орият бор эди. Чунки у ориятни ҳамма нарсадан баланд қўя билган ўзбекнинг жаҳонгашта бир ўғлони эди.

...Йўлим ўша томонларга тушиб, яқинда Мелимамат Саидов билан гурунглашдим. Раисликдан бўшабди. Илгариги қайсарликка ўхшаш шаддодлиги сусайганроқ кўринса-да, руҳи тетик, гаплари нуқул иймондан, яхшиликдан. Ҳатто ҳайкални ҳам яхши сўз билан таърифлай билди. Айтдики:

Миллатнинг сўзи битта — Ватан.

Миллатнинг йўли битта — Мустақиллик.

Миллатнинг ҳар бир юракни шоҳ супа айлаган ҳайкали ҳам битта — Садоқат. Аждод авлодига, элу-юртига, ҳаттоки кўча-кўйда униб турган дарахтга садоқат.

Садоқатсиз юрак... бадбахтдир. Бобо шу охирги гапини шивирлаброқ айтди. Яна нимадир демоқчи бўлди. Унинг нуроний кўзларида баҳорий шудринг жилвалангандай кўринди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
3 11 799






## — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# АЛЛАҚАЧОН ТАНЛАБ ОЛГАНМИЗ

**дейишяпти Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7- Самарқанд округининг 6-сайлов участкаси фуқаролари**

Самарқанд давлат дорилфунунининг бош биноси пештоқидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округининг 6-сайлов участкаси» ёзуви, сайловга доир шиорлар бир қарашдаёқ киши эътиборини тортади.

Округ сайлов комиссияси котиби Эргаш Йўлдошев билан ичкарига кирамиз. Кенг ва ёруғ фойе.

— Бу ерда сайлов бюллетенлари берилади. Кўриб турганингиздек, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг овоз беришни кузатишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган, — дея тушунтирди комиссия котиби.

Бироз юрилгач, зиналардан юқорига кўтариламиз. Участка сайлов комиссияси раиси Шокир Ғаффоров билан ана шу ерда учрашдик.

— Сайлов участкаси учун дорилфунун бош биноси танлангани бежиз эмас, — деди у. — Биринчидан, бу ер сайловчиларнинг келиб-кетишлари учун қулай. Иккинчидан, бинода барча қулайликларни яратиш имкони бор. Ва яна бир асосий сабаби: бу ер зиёлиларнинг қадами узилмайдиган даргоҳ.

Шокир Ғаффоров гапини тугатишга улгурмасданоқ котиба қиз уни телефонда йўқлашаётганини айтди.

Сайлов участкаси учун ажратилган хонага кирдик. Номзодларнинг таржимаи ҳоллари, улар тўғрисидаги маълумотлар, компьютер, телевизор, зарур жиҳозлар тахт қилиб қўйилган. Хона бўйлаб қўйилган узун столларда сайловга оид қонун, ҳуқуқий ҳужжат ва адабиётлар ўрин олган.

Участка сайлов комиссияси аъзолари 11 кишидан иборат экан. Улар ҳар куни жадвал асосида навбатчилик қилишади. Навбатчилик оддий келиб-кетиш, дегани эмас. Ҳар ким шу куни тайёргарлик жараёнининг тезлашишига имкон қадар ҳисса қўшади. Маълумотларга қараганда, 6-сайлов участкасига тегишли ҳудудда Алишер Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли, Янгиҳаёт маҳаллалари жойлашган экан. Сайлов куни 1406 нафар сайловчи овоз беради. Уларнинг 31 нафари сайловда биринчи бор қатнашади.

Суҳбатимиз асносида хонага бир тўп ёшлар кириб келди. Улар билан суҳбатлашдик.

— Биринчи бор овоз бераман, — дейди ўзини Комилжон Шерниёзов деб таништирган йигит. — Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган сайловчи сифатида аввал сайловлар тўғрисидаги қонунлар билан имкон қадар танишиб чиқдим. Қандай савол туғилса, нимани тушунмасам, сайлов участкасига келаман. Тенгдошларим билан ҳам баъзан тортишиб, баҳслашиб турамиз. Албатта, ҳаммамизнинг ўзимизнинг тушунчамиз, ўзимизнинг қарашларимиз бор. Аммо мақсадимиз бир: у ҳам бўлса, мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшиш. Биз, ёшлар бўлажак сайловда, албатта, ана шундай мақсадлар ушалишига хизмат қиладиган олижаноб инсон учун овоз берамиз.

Суҳбатимизга яна бир сайловчи — Инобат Пиримқулова қўшилди:

— Комилжон тўғри гапни айтди, дарҳақиқат, сайловларга ёшларимизнинг қизиқиши катта. Уч-тўрт тенгдош тўпландик-ми, мавзу ўз-ўзидан сайловга бурилади. Бир-биримизга саволлар берамиз, талашиб-тортишамиз...

Шу пайт хонага ёши олтмишлардан ошган яна бир отахон кириб келди. Салом-аликдан сўнг:

— Бу киши Ҳамид Олимжон номли маҳалла оқсоқоли Зариф Шарипов, — деб таништирди участка сайлов комиссияси раиси. Отахон ҳам эл ичида юрган одам эмасми, дарров суҳбатимизга қўшилиб кетди. У кишидан бурунги сайловлар ҳақида сўрадик.

— Кўп сайловларда қатнашганман, — деб гап бошлади маҳалла оқсоқоли. — Лекин мустақилликка еткунимизгача мамлакат раҳбарини ҳеч қачон сайлаган эмасмиз. Бу гал иккинчи бор ана шундай сайловга қатнашаман. Ташвиқот ишларини кўриб, эшитиб бораяпмиз. Маҳалламиз фуқаролари сайловни интиқиб кутишаяпти. Улар кимга овоз беришни, аллақачон, танлаб қўйишган. Халқимиз бу гал ҳам номзод танлашда адашмайди, деб ўйлайман. Биз овоз берадиган инсон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида куч-ғайратини аямаслигига шубҳа қилмайман...

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУЛКНИ БАҲОЛАШ — БИЗНЕСНИНГ ЗАРУРИЙ ОМИЛИ

Иқтисодиётимизга тобора сингиб бораётган бозор қонунлари моддий мулкни ва бошқа активларни баҳолаш ишларига кўпроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Кўп жиҳатдан фойда олиш имконияти объект қийматининг ва сотилиши мумкин бўлган баҳосининг тўғри ҳисобланишига боғлиқ. Шу сабабдан, Тошкентда очилган "Кўчмас мулк таҳлили ва уни баҳолаш" мавзуидаги ҳафталик семинар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Семинарда Давлат мулк қўмитаси бўлинмалари, республиканинг энг йирик банклари, суғурта, аудиторлик компаниялари ва фирмалари ходимлари, хусусийлаштирилаётган ва хусусийлаштирилган корхоналар вакиллари қатнашмоқда.

Семинар Ўзбекистоннинг Баҳолаш жамияти, Давлат мулк қўмитасининг Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги ва "Инфо кон ЛТД" консалтинг фирмаси томонидан ташкил этилди. У Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти дастури бўйича ўтказилмоқда.

Семинар иштирокчилари кўчмас мулкни баҳолашга қўйиладиган халқаро талаблар асослари билан танишади. Улар Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мулкни баҳолаш бўйича миллий стандартларни амалда қўллаш имконига эга бўлади.

Мазкур семинар — Ўзбекистон Республикасининг "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонунининг ижро этилиши доирасида кадрлар тайёрлаш дастурининг бир қисмини ташкил этади. Бундан сўнг машиналар ва жиҳозларни, интеллектуал мулк объектларини, ер майдонларини, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ҳамда Ўзбекистонда баҳолаш фаолиятининг услубий таъминланиши масалалари бўйича машғулотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Амалий фаолиятлари ҳақида ҳисоботларини тақдим этган семинар қатнашчилари Ўзбекистон Баҳолаш жамияти сертификатларини олади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

## ИЖОДКОРЛАР ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Самарқанд бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари "2000 йил — Соғлом авлод йили" туркум асарларини яратишга киришди. Улар мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш борасидаги улкан ишларни ўз ижодий асарлари орқали тасвирлашни мақсад қилиб қўйишди. Санъат асарлари, картиналар, деворбоп суратларда ёшларимизнинг билим олиши, шижоатли меҳнати, тадбиркорлик жабҳасидаги ишлари, спортдаги ютуқлари, кичкинтойларимизнинг қувончли онларини тасвирлаш асосий мавзу бўлади.

**Ҳ.ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# «ҚАРШИСУТ» ОДИМЛАРИ



*Қарши шаҳридаги «Қаршисут» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганига келгуси йил олтмиш йил тўлади. Мазкур жамият дастлаб сут маҳсулотлари тайёрлаш цехи тарзида ташкил этилган эди. Кўп йиллик тажриба натижасида у республикада ўз ўрнини топа олган корхонага айланди. Бугунги кунда эса жамият маъмурияти корхонани энг замонавий ускуналар билан таъминлаш борасида изланишда. Хориж фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этиш йўлида ҳам жиддий уринишлар бошлаб юборилган.*

*Жамият ҳузурида тўртта сутни қайта ишлаш филиали, учта сут қабул қилиш пунктлари мавжуд. Эндиликда жамият сут маҳсулотларининг қирққа яқин турини тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ қилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: қадоқлаш цехи операторлари Маҳлиё Очилова (юқорида) ва Олим Муродов.**

**Шомурод ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

***Хизмат юзасидан корхоналарда бўлганимизда, уларнинг айримларида анчагина тайёр маҳсулотнинг омборларда туриб қолганига дуч келамиз. Мутахассислар бундай аҳволнинг сабабларини турлича изоҳлашади. Аммо холис баҳо берадиган кишиларнинг фикри ўзгача: сифатли маҳсулот омборда турмайди! Айни топиб айтилган гап.***

# 100 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

Масалан, Беруний туманидаги «Ёғар» очиқ турдаги акциядорлик жамиятини олиб кўрайлик. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатлилиги боис мижозларнинг кети узилмайди. Демак, маҳсулотнинг омборда туриб қолиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу мулоҳазамиздан корхона хорижий техника ва технологияларнинг сўнгги моделлари билан жиҳозланган бўлса керак, деган савол туғилиши, табиий. Йўқ, ундай ҳам эмас. Бўлмаса, бирор янгича тажрибами, усулми қўлланилаётгандир? Мен шу савол билан корхона раҳбари Сапарбой Солаевга юзландим.

— Албатта, биз Америка очаётганимиз йўқ, — жилмайди у киши. — Фақат одамларни меҳнатга қайтара олдик. Уларга бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳаларда рақобат вужудга келишини, қўл учида енгил-елпи тайёрланган маҳсулот корхонанинг ҳам, ишчининг ҳам косасини оқартирмаслигини тушунтира билдик.

250 кишилик аҳил жамоада меҳнат унумдорлиги жорий йилнинг 10 ойида ҳар бир ишчи ҳисобига режадаги 973 минг сўм ўрнига 1026 минг сўмдан тўғри келди. 199 миллион 104 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги режа 105,5 фоиз уддаланди. Юқорида таъкидланганидек, шартнома бўйича ишлаб чиқарилган 193 миллион 473 минг сўмлик тайёр маҳсулот юз фоиз ўз харидорини топди.

Номидан ҳам маълумки, мазкур акциядорлик жамиятида халқ истеъмол молларидан асосан ёғ тайёрланади. Шу йилнинг ўтган 10 ойида 21 минг 587 тонна чигит қайта ишланиб, ундан 6582 тонна сифатли ёғ, 10 минг 52 тонна кунжара, 6798 тонна шелуха истеъмолчиларга етказиб берилди. Корхонада рентабеллик даражасини 20 фоиз ўрнига 37 фоизни ташкил этди. Олинган соф фойда ҳам чакки эмас — 30 миллион сўм. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши эса 8000 сўмга кўтарилди.

Бундан ташқари, корхонанинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилган пиёз, картошка, помидор ва полиз маҳсулотлари ишчиларга бепул тарқатилади. Айнан «Ёғар» меҳнаткашлари пойтахтимиздаги энг сўлим санаторийларда корхона ҳисобидан дам олишади. Шундай шарт-шароитлар муҳайё экан, ҳамма ҳам сидқидилдан меҳнат қилади, сифатли маҳсулот тайёрлайди-да.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНСОН — АЗИЗ ВА МУКАРРАМ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу йилнинг ўзида «9 май — Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонига асосан бир неча ўн минг нафар шахс жазодан озод этилди. Уларнинг 23623 нафарини бевосита жазони ўташ муассасаларидаги маҳкумлар ташкил этади. Шундан 2088 таси чет эл фуқароларидир.

Амнистия тўғрисидаги Фармон жазони ўташ жойларидан озод этилганларга нафақа тайинлаш, ишга жойлаштириш, тезроқ ижтимоий жараёнга қўшилиб, ҳаётда ўз ўрнини тиклаб олишларига кўмаклашиш тадбирларини ҳам кўзда тутади. Республика Прокуратураси идоралари бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бу борада бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, шу йилнинг 1 октябрига қадар амнистия асосида озодликка чиқарилган шахслардан 10463 нафари тегишли ҳокимликлар қошидаги ижтимоий кўникма марказига юборилган бўлиб, уларнинг 3495 нафари ишга жойлаштирилган. 5425 нафар собиқ маҳкумларга 23 миллион 787 минг сўмлик моддий ёрдам берилган. 104 нафарига нафақа тайинланган. Уй-жойга муҳтожлардан 198 нафари ётоқхоналарга, 3 нафари қариялар уйига жойлаштирилган.

Кўпгина собиқ маҳкумлар амнистияни шунчаки мурувват эмас, балки инсон сифатида яшашга имкон деб тушуниб, ўз ташаббуслари билан ишга жойлашдилар ва ҳаётга фаол аралашиб кетдилар.

Конституция асосида халқаро андозаларга мувофиқ равишда қабул қилинган барча қонунларимизда, жумладан, 1995 йилнинг 1 апрелида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодексида ҳам асосий эътибор инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини таъминлашга, фуқаролар хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1998 йилда республика бўйича содир этилган жами жиноятлар сони 1994 йилга нисбатан 4.608 тага камайган.

Жумладан, қасддан одам ўлдириш — 13 фоизга, ўғирлик — 18 фоизга, босқинчилик — 24 фоизга, автотранспорт воситаларини ҳайдаб қочиш — 52 фоизга ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар — 36 фоизга камайган.

Натижада республикада барқарор вазият сақланиб, жиноятчиликнинг йилдан-йилга камайишига эришилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятида ижобий ўзгаришлар пайдо бўлиб, уларда қонунга бўлган ҳурмат ҳисси шаклланмоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, аввалambor, айбдорга, унинг оила аъзоларига, қарамоғидаги фарзандларининг онги ва дунёқарашига жиддий маънавий таъсир кўрсатади. Жиноят содир этган айрим шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш ташаббусининг кўтарилиши мамлакатимизда инсон қадри, тақдирига эътиборнинг яна бир ёрқин мисоли бўлди.

Бу борада Президентимизнинг таклифи билан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, Жиноят кодексининг айрим моддалари санкцияларидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини чиқариш, айримларидан уларнинг муддатларини қисқартириш масаласи кўриб чиқилди.

Олий Мажлиснинг 1999 йил 20 августдаги сессиясида ушбу таклифлар муҳокама қилиниб, маъқулланди. Шунга асосланиб суд ҳукмларини қонунга мувофиқлаштириш натижасида ҳозирга қадар жами 4.500 нафар маҳкум озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилди.

Бундан ташқари, терговжараёнларида, айбланувчиларнинг шахсини ва содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги даражаси инобатга олиниб, уларга нисбатан гаров тарзидаги эҳтиёт чораси кўплаб қўлланила бошланди. 1998 йилда тергов идоралари томонидан жами 119 нафар айбланувчига нисбатан гаров қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 декабрига келиб, 790 нафарни ташкил қилди.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги яна бир мавзуга алоҳида тўхталиш лозим. Республикамизда диний экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилган мудҳиш жиноятлар, уларнинг оқибатлари ҳаммамизга яхши маълум.

Диний экстремистик кучлар томонидан Конституцияга хилоф тарзда ҳокимиятни босиб олиш мақсадида шу йилнинг 16 февралида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига суиқасд уюштириш, террористик ҳаракатлар билан содир этилган жиноятлар оқибатида кўплаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада олиб борилаётган ишлар бевосита давлатимиз раҳбарининг диққат-эътиборида турибди. Ҳаммамиз яхши эслаймиз: Президентимиз содир этилган бу мудҳиш жиноятлар ташкилотчиларига нисбатан шафқат қилинмаслиги, аммо ихтиёрий равишда ўз айбига иқрор бўлиб, пушаймонлик билдирганларни жавобгарликдан озод этиш масаласини кўтарган эди. Бу ўз вақтида айтилган ўта муҳим таклиф инсонпарварлик тамойилининг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Амалдаги қонунчилигимизга бевосита асосланган бу адолатпарвар ташаббус туфайли ҳозирга қадар пушаймонлик билан мурожаат қилган 1.643 нафар фуқаро жавобгарликдан озод қилинди.

Бундан ташқари шу турдаги жиноятларга билиб-билмай қўл уриб, судланган маҳкумлардан мингдан ортиғига нисбатан жазолар енгиллаштирилди. Бу қадар кенг миқёсли умумий афвни жаҳон давлатчилиги тарихида биринчи марта қўлланилганини хориж матбуоти ҳам эътироф этган эди.

Юртбошимизнинг «Биз ёшларни — фарзандларимизни ҳеч кимга бермаймиз!» деган даъвати ўзбекона бағрикенгликнинг ёрқин ифодаси сифатида юзлаб хонадонларга қайта нур бағишлади. Ота-оналар, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ёшлар тарбиясига янада жиддий эътибор бера бошладилар.

Ҳадиси шарифларда кечиримли бўлиш ғоят басавоб иш эканлиги қайта-қайта уқтирилган. Қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойили миллий қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирибгина қолмасдан, уларни ҳар жиҳатдан бойитишга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўтган саккиз йил давомида қонунчилигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳадаги ислоҳотлар, ҳамма-ҳаммасидан кўзланган мақсад битта: инсонни улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш, келажаги буюк давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш.

**Азимжон ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.**

# ҲОСИЛНИ БОШДАН АСРАЙЛИК

Парвариши яхши бўлган далаларда ғалла экинлари ям-яшил бўлиб келгуси ҳосил мўл-кўллигидан дарак беряпти. Бироқ бу борада ҳали кўп меҳнат талаб этилади. Экиб, кўкартириб олдим, дейиш билан иш битмаслиги маълум. Шу кунларда ғалла майдонлари пайҳон қилинишига йўл қўймаслик, айниқса, муҳим аҳамиятта эга.

Аммо буни яхши англаб етолмаётган, лоқайдлик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси маълумотларига қараганда, Денов, Жарқўрғон, Ангор туманларидаги айрим хўжаликларда экинни пайҳон этиш ҳоллари учраётир. Масалан, Денов туманида қаровсиз қолган бир неча ўн бош қорамол каттагина майдондаги экинни пайҳон қилган. Уларнинг эгаларига жарима солинган, албатта. Лекин бу бой берилган ҳосилнинг ўрнини тўлдиролмайди. Тўғри, жойлардаги ички ишлар бўлимлари томонидан экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш учун кузатувчилар қўйилиб, улар от-улов билан таъминланган. Бироқ бунинг ўзи кифоя қилмайди. Хўжаликлар бу ишга жамоатчиликни жалб этиши, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини йўлга қўйиши, дала қоровуллари тайинлаши лозим. Шундагина ҳосил тўла сақлаб қолинади.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

Нима? Қачон? Қаерда?



*Ҳиндистон манзаралари*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**БМТ Бош котиби Кофи Аннан Венесуэлада юз берган сув тошқинидан ташвиш билдириб, табиий офат қурбони бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилди.**

* * *

**Австралия соҳил соқчилари икки юзга яқин ноқонуний муҳожирни қўлга туширди.**

* * *

**Бурундида вабо тарқалди. Ўтган ярим ой давомида 47 киши ушбу касалликнинг қурбони бўлди.**

* * *

**Сомалида 1,6 миллиондан ортиқ киши инсонпарварлик ёрдамидан бутунлай маҳрум, уларни даҳшатли очарчилик кутмоқда.**

* * *

**Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир вилоятида ўтган куни полициячилар билан покистонпараст айирмачилар ўртасида яна қуролли тўқнашув юз берди.**

* * *

**АҚШ ўз ҳудудида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланаётган колумбиялик жиноий гуруҳлардан мусодара қилинган 5 миллион АҚШ долларини Колумбия ҳукуматига топширди.**

* * *

**Германияда иқтисоди ривожланган етти мамлакат ҳамда Россия ташқи ишлар вазирлари иштирокида учрашув бошланди.**

* * *

**Япония ҳукумати Косоводa фаолият кўрсатаётган БМТ миссияси учун 14,8 миллион АҚШ доллари ажратганини маълум қилди.**

* * *

**Малайзия Россиядан 14 та икки ўриндиқли «МиГ-29УБ» русумли қирувчи самолётни сотиб олишни режалаштирмоқда.**

* * *

**Жанубий Африка Республикаси Президенти Бато Мбеки Шри-Ланка раҳбари Чандрики Кумаратунгага уюштирилган суиқасдни кескин қоралади.**

## ЯҚИН ШАРҚ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИМИ?

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, ушбу ҳафта Исроил ҳарбийлари Ливан жанубидаги мактаблардан бирини ўққа тутган. Оқибатда 15 нафар ёш бола яраланган. Улардан иккитаси оғир аҳволда ётибди. Ливан президенти Эмил Лаҳуд Исроилнинг бу ҳаракатини қоралаб, ҳарбий "ўйинлар" Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини бузаётганини айтди. У қўл остидагиларга апрел ойида ўзаро келишув бўйича икки давлат ўртасида имзоланган меморандум ижросини назорат қилувчи махсус қўмита тузишга кўрсатма бериб, мазкур жиноят муҳокамага қўйилиши кераклигини уқтирди.

Бу воқеа юз берганида АҚШда Сурия-Исроил музокаралари ўтаётган эди. Унинг кун тартибига Ливан жанубидаги вазият ҳам киритилганди. Исроил Бош вазири Эхуд Барак ва Сурия ташқи ишлар вазири Фаруқ Шароанинг Вашингтондаги учрашуви қандай натижа билан тугагани ҳозирча номаълум. Икки кун давом этган мулоқот айтарли самара бермаган кўринади. Шу боис, АҚШ президенти Билл Клинтоннинг гапига қараганда, Эхуд Барак ва Фаруқ Шароа келаси йил 3 январ куни қайта учрашишга келишиб олган.

Ливан жанубидаги вазиятга келсак, у Сурия ва Исроил олдида ечимини кутаётган долзарб муаммо бўлиб турибди. Ливан жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар пайти бир неча исроиллик аскарлар бедарак йўқолган ёки "Ҳизбуллоҳ" ташкилоти қуролли гуруҳлари томонидан асир олинган. Ўзаро келишув Сериянинг Исроил ҳарбийлари тақдири ҳақида маълумот беришни ҳам кўзда тутади. Хабарларга қараганда, яқин кунларда Сурия ташқи ишлари вазири Ливан ҳукумати билан маслаҳатлашиб олиш учун Байрутга бориши кутилмоқда. Бироқ, Ливан президенти Эмил Лаҳуд мамлакат жанубида рўй берган воқеадан анча ранжиган. У кенгаш пайти Фаруқ Шароанинг сўзларига қандай муносабат билдириши, умуман, Исроилнинг таклифларига қандай жавоб қайтариши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин.

Айтиш жоизки, Исроил ҳарбийлари Ливан жанубини тарк этиш-этмаслиги маълум маънода Сурияга ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Тўғрироғи, муаммонинг тезроқ ҳал этилиши араб давлатларининг қандай қарорга келиши ва қандай йўл тутишига боғлиқ. Муҳими, араб давлатлари ҳам, Исроил ҳам, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун ҳаракат қилмоқда.

## «2000 ЙИЛ МУАММОСИ»

Компьютер тизимларида юзага келиши мумкин бўлган «2000 йил муаммоси» туфайли АҚШ консулхоналари янги йилнинг дастлабки кунларида виза расмийлаштиришни тўхтатиб туради. Буни Давлат департаменти вакили Кевин Ҳерберт маълум қилди. Унинг айтишича, ўша кунлари мамлакатнинг хориждаги барча элчихоналари одатдаги тартибда ишлайверади. Айрим давлатлардаги ваколатхоналар ходимларига эса байрам арафасида хорижга (учинчи бир давлатга) чиқишга рухсат ҳам берилади. Департамент улар яшаётган жойларда компьютер тизими ишдан чиққудек бўлса, сув, электр энергияси узатиш тўхтаб қолишидан, алоқа тармоқлари издан чиқишидан хавотирда.

## БОЛА ЎҒРИЛАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Пекинда жиноий гуруҳ томонидан ўн икки яшар бола ўғирланган эди. Пойтахт полицияси бир неча кун давомида ушбу жиноятни уюштирганликда гумон қилинган беш кишини ҳибсга олди. Жиноятчилар боланинг ота-онасидан 40 миллион юан (4,82 миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида пул талаб қилган эди. Бола соғ-омон ҳолда ота-онасига қайтарилди.

**Хориж матбуоти ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

